
Қувасой шаҳрида “STREET LAW” лойиҳаси амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармони билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 20-банди ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 18 июнь куни Қувасой шаҳар адлия бўлими томонидан “Ёшлар иттифоқи”, “Ёшлар келажагимиз” жамғармаси ва “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патрул хизмати вакиллари билан иборат кўнгилчилар гуруҳини жалб этган ҳолда “STREET LAW” (оддий ҳуқуқ) лойиҳаси аҳоли гавжум жойларда, жумладан, бозорларда, савдо комплексларда, шох кўчаларда ўтказилди.

Мазкур лойиҳа давомида “Тамаки ва алкоголь соғлиқ учун зарар”, “Йўл қондаси – умр фойдаси”, “Ҳурматли харидор унутманг!” каби 100 дан зиёд турли хил мавзулар доирасида тайёрланган флаер ва буклетлар ва бошқа турдаги тарқатма материаллар тарқатилиб, ҳуқуқий тушунчалар берилди.

Шунингдек, лойиҳа доирасида ёшлар Қувасой шаҳар, Арсиф МФЙ ҳудудида жойлашган “Agro Service Asia” кластерида олиб борилаётган инвестициявий лойиҳалар билан танишдилар.
2019-06-20 09:51:53